


ЎЗБЕКИСТОНДА 2017 ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ-ДЕКАБРЬ ОЙЛАРИДА БАНДЛИК ВА МЕХНАТ БОЗОРИ

Дастлабки маълумотларга кўра, республикада меҳнат ресурсларининг сони 2017 йилнинг январь-декабрь ойлари учун ўртача 18672,5 минг кишини ёки жами аҳоли сонидagi улуши 57,7 % ни ташкил қилди.

Меҳнат ресурслари таркибида иқтисодий фаол аҳоли сони 14357,3 минг кишини (жами меҳнат ресурсларининг 76,9 %и), шунингдек, иқтисодий нофаол аҳоли сони - 4315,2 минг кишини ташкил қилди (23,1 %и).

Меҳнат ресурслари сонининг тақсимланиши
(2017 йил январь-декабрь учун, %да)




Иқтисодий фаол аҳоли сонининг жами аҳоли сонидagi улуши 44,3 % ни ташкил қилди.

Худудлар кесимида энг кўп иқтисодий фаол аҳоли сони Фарғона (1630,5 минг киши) ва Самарқанд (1629,8 минг киши) вилоятларида кузатилди.

Иқтисодий фаол аҳоли сонининг энг кам кўрсаткичлари Сирдарё (371,9 минг киши) ва Навоий (445,7 минг киши) вилоятларига тўғри келди.

Иқтисодий фаол аҳоли сонининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши
(2017 йил январь-декабрь учун, минг кишида)




Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-декабрь даври учун иқтисодиётда банд аҳоли сони 13520,3 минг кишини ташкил этиб, 2016 йилга нисбатан 1,7 % га ошган.

Иш билан банд аҳоли сонининг иқтисодий фаолият турлари кесимида таҳлил этилганда, бандлар сонининг 2016 йилга нисбатан сезиларли даражада ўсиши ташиш ва сақлашда (2,6 %), молиявий ва суғурта фаолиятида (2,4 %), қурилишда (2,1 %), савдода (1,9 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда (1,7 %) кузатилди.

Иш билан банд аҳоли сонининг асосий қисми қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (27,3 %), саноат (13,5 %), савдо (11,0 %), қурилиш (9,5 %) ва таълим (8,2 %) соҳалари ҳиссасига тўғри келди.

Иш билан банд аҳоли сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши (2017 йил январь-декабрь учун)



2017 йилнинг январь-декабрь ойларида иқтисодий фаол аҳолининг бандлик даражаси (иқтисодиётда банд аҳолининг иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати) 94,2 % ни ташкил этди.

Нодавлат секторида жами бандлар улуши 82,7 % га етиб, 2016 йилнинг шу даврида эса 82,5 % бўлган.

Иш билан банд аҳоли сонининг иқтисодиёт секторлари бўйича тақсимланиши (январь-декабрь учун, жами бандликдаги улуши)



Шунингдек, 2017 йилнинг январь-декабрь даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда иш билан бандларнинг жами бандлар сонидаги улуши 78,3 % ни ташкил этди (2016 йил январь-декабрда 78,2 % бўлган).

Ишсизлик¹⁾. 2017 йил декабрь ойи охирида меҳнат органларида иш қидирувчилар сифатида рўйхатдан ўтган ишсиз аҳоли сони 14,4 минг кишини ташкил қилиб, 2016 йилнинг мос даврига (5,0 минг киши бўлган) нисбатан 2,9 мартага кўпайган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 майдаги 106-сонли қарори билан тасдиқланган ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасига асосан аниқланган ишсизлар сони 2017 йил январь-декабрь ойларида 837,0 минг кишини ташкил қилди ва иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан ишсизлик даражаси 5,8 % га тенг бўлди.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2017 йилнинг декабрь ойида 1983,4 минг сўмни²⁾ ташкил қилиб, 2016 йилнинг декабрь ойига нисбатан 13,2 % га ошди. 2017 йил январь-декабрь ойлари учун ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1453,2 минг сўмни ташкил қилиб, 2016 йил мос даврига нисбатан 12,3 % га ошди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори даражаси молиявий ва суғурта фаолиятида – 2694,1 минг сўм (республикадаги ўртача ойлик иш ҳақидан 85,4 % га кўп), ахборот ва алоқада – 2498,5 минг сўм (71,9 % га), саноатда – 2091,7 минг сўм (43,9 % га), ташиш ва сақлашда – 1945,8 минг сўм (33,9 % га), қурилишда – 1808,4 минг сўм (24,4 % га) ва савдода – 1650,7 минг сўм (13,6 % га) кузатилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

(минг сўм)

	Январь-декабрь		Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, %да	
	2016й.	2017й.	2016й.	2017й.
Республика бўйича	1 293,8	1 453,2	100,0	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
саноат	1 863,8	2 091,7	144,1	143,9
қурилиш	1 619,1	1 808,4	125,1	124,4

¹⁾ Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотларига асосан

²⁾ Бу ерда ва кейинги ўринларда дастлабки маълумотлар, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларисиз, қайта ҳисобланган

	<i>Январь-декабрь</i>		<i>Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан, %да</i>	
	<i>2016й.</i>	<i>2017й.</i>	<i>2016й.</i>	<i>2017й.</i>
савдо	1 500,5	1 650,7	116,0	113,6
ташиш ва сақлаш	1 763,9	1 945,8	136,3	133,9
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	913,4	1 035,3	70,6	71,2
ахборот ва алоқа	2 042,2	2 498,5	157,9	171,9
молиявий ва суғурта фаолияти	2 140,1	2 694,1	165,4	185,4
таълим	1 038,9	1 160,1	80,3	79,8
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	887,8	980,8	68,6	67,5
санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	1 272,1	1 367,0	98,3	94,1
бошқа фаолият турлари	1 109,7	1 239,4	85,8	85,3

Худудлар кесимида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг энг юқори даражаси Тошкент шаҳри – 1986,5 минг сўм (республикадаги ўртача ойлик иш ҳақидан 1,4 мартага кўп) ва Навоий вилояти – 1926,5 минг сўм (1,3 мартага кўп) ҳиссасига тўғри келди.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг энг паст кўрсаткичлари Наманган (1140,5 минг сўм), Самарқанд (1157,3 минг сўм) ва Сурхондарё (1172,0 минг сўм) вилоятларида кузатилди. Бу вилоятлардаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичлари республикадаги ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан 21,5 %, 20,4 % ва 19,4 % га кам бўлган.

Худудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

(минг сўм)

	Январь-декабрь		Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, %да	
	2016й.	2017й.	2016й.	2017й.
Ўзбекистон Республикаси	1 293,8	1 453,2	100,0	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	1 212,1	1 368,9	93,7	94,2
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	1 169,6	1 356,0	90,4	93,3
Бухоро	1 306,0	1 443,8	100,9	99,4
Жиззах	1 125,5	1 265,6	87,0	87,1
Қашқадарё	1 230,9	1 346,8	95,1	92,7
Навоий	1 756,4	1 926,5	135,8	132,6
Наманган	1 009,3	1 140,5	78,0	78,5
Самарқанд	1 036,2	1 157,3	80,1	79,6
Сурхондарё	1 065,0	1 172,0	82,3	80,6
Сирдарё	1 095,0	1 259,9	84,6	86,7
Тошкент	1 402,5	1 559,7	108,4	107,3
Фарғона	1 119,4	1 222,1	86,5	84,1
Хоразм	1 054,6	1 204,4	81,5	82,9
Тошкент ш.	1 716,9	1 986,5	132,7	136,7